

## **«АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЛАБОРАТОРИЯСИ**

### **1. Илмий-амалий лабораторияни ташкил этиш зарурати.**

Коронавирус пандемияси даврида давлатнинг муҳим вазифаларидан бири – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизларни иш билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда кўпчилик мамлакатларда, хусусан, республикамизда корновирус инфекциясини ёйилишини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича одамлар ҳаракатини чегаралаш ҳамда корхоналар фаолиятини тўхтатиш йўли билан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мажбурий чорларнинг қўлланилиши, бир томондан, ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига олиб келса, иккинчи томондан, ишсизлик даражасининг ошиши ва аҳоли даромадларини камайишига замин яратмоқда. Бунинг оқибатида ишсизлар сонининг кескин даражада ошиши ва аҳоли даромадлари манбаини камайиши билан боғлиқ ижтимоий муаммолар тобора кучайиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрида ушбу муаммоларни оператив тарзда ҳал этишнинг худудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бартараф этиш йўллари илмий жиҳатдан асослаш, коронавирус пандемияси даврида ишсизликни камайтиришнинг самарали механизминини ишлаб чиқиш, ишга жойлашишга муҳтож шахсларни иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва институционал асосларини такомиллаштириш алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳалигача республикамиз шаҳар ва туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини ижтимоий-иқтисодий, ташкилий жиҳатдан самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

**2. Лабораторияни ташкил этиш мақсади** – жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида Самарқанд шаҳрида аҳоли иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтиришнинг услубий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **3. Тадқиқот вазифалари:**

– жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида аҳолини иш билан таъминлашнинг худудий хусусиятларини аниқлаш ва ушбу йўналишда

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг устувор йўналишларини тадқиқ этиш;

– уюлмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш (Ушбу йўналишда Самарқанд шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш);

– жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида ишсизларни ижтимоий ҳимоялашнинг хориж тажрибасини тадқиқ этиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

– ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганларни қисқа муддатларда анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш (ишлаб чиқариш соҳасида минимал иш ҳақи миқдорида стипендиялар тўлаш асосида) тизимини амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Самарқанд шаҳрида ишсизларни (хусусан, ишга жойлашишга муҳтож ёшларни) масофада туриб ишлаш (фрилансинг) тизимини ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш;

– аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш;

– жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида Самарқанд шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг аҳоли иш билан бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– Самарқанд шаҳрида уй меҳнати (касаначилик)ни ташкил этишнинг илмий-амалий муаммоларини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асослаш;

– аҳоли даромадларини ошириш йўлларини тадқиқ этиш;

– аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш омилларини таснифлаш ва илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

– хориждан қайтган меҳнат мигрантларини иш билан таъминлашнинг самарали механизмини тадқиқ этиш.

#### **4. Самарқанд шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази фаолиятини самарали ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар:**

– «Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат жамғармаси» маблағлари корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақи жамғармасидан 0,1 % ўндирилади.

Бу маблағлар Марказ фаолиятини ривожлантириш учун етарли эмас. Илгари жамғармага ажратмалар иш ҳақидан 1,0 фоиз миқдорида ажратилган. Жамғарма маблағларининг етарлича эмаслиги аҳолини иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича фаол тадбирларни амалга ошириш имконини бермайди. Шунинг учун жамғармага ажратмалар миқдорини ошириш зарур ёки бюджетдан ажратилган маблағларнинг иш билан бандликни таъминлаш бўйича фаол тадбирларга сарфланиши бўйича қатъий назорат ўрнатиш зарур;

– Марказ фаолияти ишчи кучига талаб (ишга жойлаштириш) бўйича фақат юридик шахсларга йўналтирилган ва ишга жойлаштириш самарадорлиги юқори эмас. Ҳозирги шароитда бир марталик ёки вақтинчалик ишларга жалб қилиш бўйича жисмоний шахслардан ҳам ишчи кучига буюртмалар кўплаб тушади. Демак республикамизда коронавирус пандемияси шароитида марказ таркибида ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслардан буюртмалар (ишчи кучига талаб) асосида фаолиятни амалга ошириш бўйича ихтисослашган бўлимлар ташкил этилиши керак. Бу фаолиятнинг бир томонламалигига барҳам бериш имконини беради. Бу жараённи ташкил этиш Жанубий Корея тажрибасида юқори самара бериши исботланган;

– ҳозирги пандемия шароитида масофада туриб ишлаш (фрилансерлик) ҳам оммалашмоқда ва ҳаётини заруратга эга бўлмоқда. Миллий фриланс биржаларини яратиш бўйича ҳаракатлар амалга Ўзбекистонда фрилансерлар орасида энг кўп тарқалган хизматлар: матн билан ишлаш, таржимонлик, маркетинг соҳасидаги ишлар, графика, дизайн, веб сайтларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Қонуний асос бўлмаганлиги сабабли уларнинг иш фаолиятида муаммолар мавжуд. Миллий фрилансерлик биржаларида ([employed.uz](http://employed.uz), [freelance.uz](http://freelance.uz), [freelance.uz](http://freelance.uz), [ishkor.uz](http://ishkor.uz)) ҳаттоки веб сайтлари тўлиқ иш фаолиятида эмас. Шу сабабли кўплаб малакали ёшлар хорижий фрилансинг биржаларида фаолият юритишмоқда. Шу билан бирга, бунинг бир қанча сабаблари бор, биринчи навбатда – иш ҳақи, иккинчиси – эркин платформанинг етишмаслиги, учинчиси – ижтимоий қафолатларнинг мавжуд эмаслиги. Шу сабабли, фрилансинг Ўзбекистонда алоҳида иш фаолияти тури сифатида тан олинмаса, меъёрий-ҳуқуқий асос шакллантирилмаса, ушбу тузилманинг иштирокчилари норасмий иқтисодиётда фаолият юритади.

– масофада туриб ишлашнинг анъанавий шакллари риволанмаганлиги. Марказ фаолияти фақатгина жамоат ишларини, ободонлаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этишга йўналтирилган;

– Марказларда фаолият юритаётганларнинг мутахассислигини кўп ҳолларда ишлаётган иш жойига мос келмаслиги. Университетда меҳнат иқтисодиёти ва социологияси бўйича бакалавр таълим йўналиши очиш керак. Мазкур таълим йўналиши айнан шу соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлашни назарда тутди.

– Ўзбекистон Республикасида расман камбағал аҳоли қатлами мавжуд бўлса-да, лекин узоқ пайт бу мавзу “ёпиқ” ҳисобланиб келинди, фақат кам таъминланган аҳоли қатлами шаклидаги сифат мавжуд эди. Жорий йилнинг бошида мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга мурожаатида Ўзбекистонда аҳолининг 12-15 фоизини камбағал аҳоли қатлами ташкил этиб, уларнинг умумий сони 4,5-5 миллион атрофида қолаётгани таъкидланди. Ана шу миқдордаги юртдошларимизнинг кунлик даромадлари 10-13 минг сўмни ташкил этиши қайд этилган. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Шу каби саволлар республикамизда камбағалликни қисқартириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруратини намоён этмоқда.

**5. Таққот натижалари.** Тадқиқот натижаларидан олинган самара ижтимоий тавсифга эга бўлиб, республикамизда аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш назарда тутилади ҳамда ижтимоий ривожланиш учун асосий шарт-шароитларни юзага келтиради.

#### **6. Илмий-амалий лаборатория таркиби:**

Лаборатория раҳбари – Н.У.Арабов.

Лаборатория раҳбари муовини (илмий маслаҳатчи) – Д.А.Насимов;

Аъзолари: Б.У.Бозоров, Б.Рахматов, С.Б.Абдужабборов, Н.Б.Улуғмуродова, Б.С.Болтаев, А.А.Абдусайдов, Н.Ш.Мансурова, А.Хамидова, К.Н.Зайналова, Ф.А.Джалилов, Б.М.Тухлиев ҳамда магистрлар, таянч докторантлар ва мустақил изланувчилар.

#### **7. Лаборатория ташкил этиш учун зарур жиҳозлар:**

1. Икки дона компьютер
2. Икки дона принтер
3. Концелярия жиҳозлари тўплами